

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 2

2022 йил 24-октябрь

Хўжайли тумани

Хўжайли тумани Ободонлаштириш бошқармаси номидан Устав асосида иш кўрувчи раҳбар Т.Таджимуратов бир томондан кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб, буюртмачи номидан ва МЧЖ «NUKUS BETON BIZNES» номидан Устав асосида иш кўрувчи раҳбар С.Оразбаев иккинчи томондан кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталиб, пудратчи номидан, Хужайли тумани Қыркыншы МПЖ худудида Бостан кучаси йулига жорий таъмирлашга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:

**Ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**Қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади.

**Вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

**Беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқични ва (ёки) турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. Шартнома предмети.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Хужайли тумани Қыркыншы МПЖ худудида Бостан кучаси йулига жорий таъмирлаш буйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

3. Буюртмачи Пудратчига қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома буйича ишлар қиймати.

4. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, эркин танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва эркин танлов комиссиясининг қарори 2022 йил 13-октябрь кунги (Лот №163048) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда, жорий нархларда (шу жумладан ҚҚС билан 131 217 391,30 (Бир юз уттиз бир миллион икки юз ун етти минг уч юз туксан бир сўм 30 т) Хужайли тумани Қыркыншы МПЖ худудида Бостан кучаси йулига жорий таъмирлаш буйича қурилиш ишларини бажариш учунжами 1 006 000 0000 (Бир миллиард олти миллион) сўмни ташкил этади. (Пудратчи С.Оразбаев)

5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта куриб чиқилиши мумкин эмас. Қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш муддатини қупайтиришга енгиб булмайдиган қуч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа узгартирилганда.

6. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Тегишли асослар мавжуд булганда санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

#### IV. Пудратчининг мажбуриятлари.

8. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- Барча ишларни мазкур шартномадаги 2-иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоат нархдаги ишларни энг камида 50 фоизини узининг қучи ва (ёки) жалб қилинган қучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

- 1-иловага мувофик қурилиш майдонида зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва саклаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- бош пудратчи субподрядчилар билан шартнома тузишда буюртмачи билан қелишган ҳолда шартнома тузиши шарт;

- қурилиш майдонида техника ҳавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф-муҳитни, утқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек, ёритиш чирокларини урнатиш;

- ишчиларни маданий дам олишлари учун шароит яратиш бериш ва иссиқ овқат билан таъминлаш;

- қурилиш таваққалчиликларини сугурта қилиш;

- мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган қундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;

- қурилиш майдонини қуриқлашни таъминлаш;

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

9. Пудратчи имзоланган пудрат шартномасининг 2-иловасига мувофик, ҳар ҳисобот ойнинг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида Буюртмачига ҳисобот топшириши лозим. ақс ҳолда ҳисобот ойида 2-иловага қўра бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида Буюртмачига пеня тулайди ҳамда пудрат шартномани бекор қилиш амалдаги қонун доирасида қўриб чиқилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларни уз қучи билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 фоиздан қўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни топшириш учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ва иш ҳажмларига Буюртмачининг рұхсатисиз ўзгартириш қиритмайди. Агарда ўз хоҳиши билан ўзгартирган тағдирда Буюртмачи мажбуриятни ўз зиммасига олмайди.

## **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

11. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- Лойиха смета ҳужжатларига буюртма беради. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага (1-иловага) мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли булган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча муружаатларини 5 кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб биров давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур булган ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;

- Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

12. Агар пудратчи томонидан ҳар ҳисобот ойнанинг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида ҳисоб-фактура ва ҳисоботи топширилмаса, Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларини молиялаштирмайди. Ушбу шартноманинг 3-банди бажарилмайди.

## **VI. Ишларни бажариш муддатлари**

13. Шартнома:

миллий валюта «сумда» узаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

14. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уз айланма маблаглари ҳисобидан ишларни бажаришга киришади.

15. Танлов (тендер) савдолари натижаси буйича аниқланган қурилишнинг фойдаланишга топшириш муддати 30 кунни ташкил этилади.

16. Мазкур шартнома буйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## **VII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар**

17. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий жорий қийматининг 15 фоизи миқдоридан аванс утказди, топширилган иш ҳажми тулик бажарилгандан сунг қолган 85 % маблаг тулаб берилади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

19. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, ҳар ойда ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача тўлов амалга оширилади.

-Мазкур шартномада белгиланган объектнинг 5 фоизлик маблағи 1 йиллик қафолат муддати тамом булгандан кейин, тегишли ҳужжатлар тақдим қилинганнан сунг амалга оширилади.

20. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектни тасодифий йуқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида булади.

21. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома қучга қирган кундан бошлаб 30 кун (молиялаштириш йилида) мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда

Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага узгартиришлар киритиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан озод қилинмайди.

-Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда Буюртмачи тўлов учун мажбурият ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

### **VIII. Ишларни бажариш**

22. Буюртмачи қурилиш майдонида уз вақилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек, Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

23. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

24. Пудратчи техник-аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник-аудитор Пудратчи томонидан утқазиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайда булувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда қатнашади.

25. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бандида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

26. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини Давлат архитектура-назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

27. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

28. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тугрисидаги ҳужжатларни беради.

29. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларни координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

30. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек, баландлик белгилари, улчамлари ва булиш уқларининг мувофиқлиги тугри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни уз ҳисобидан амалга оширади.

31. Пудратчи геодезия ишларида урнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

32. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади. Пудратчи коммуникация объектларини фойдаланувчи тегишли қорхоналарга топширади.

33. Пудратчи узи томонидан қурилишда қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларга, техник шартларга мувофиқ булишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга булишини қарантирлайди.

34. Алохида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр булишига караб уларни кабул килиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор килади.

35. Кабул килинадиган конструкциялар ва ишлар тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик кабул килиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишилган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдикланади.

36. Пудратчи Буюртмачининг ишларини бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейин ишларни бажаришга киришади.

37. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган булса ёки у бу ҳақда хабардор қилмаган булса ёки кечикиб хабардор қилинган булса, у ҳолда унинг талаби буйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини уз ҳисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

38. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз қучлари билан ва қурилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

39. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлайди.

40. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудрачининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга булган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни кабул қилиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқии тугрисидаги маълумотлар, шунингдек, қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

#### **IX. Ишларни куриклаш.**

41. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан кабул қилиб олингунга қадар четлари тусилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада курикланишини таъминлайди.

42. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек, материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект кабул қилиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### **X. Енгиб булмайдиган қуч (форс-мажор) ҳолатлари.**

43. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб булмайдиган қуч ҳолатлари натижасида қелиб қикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати энгиб булмайдиган ку холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

44. Агар энгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари 1 ойдан куп вақтга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар курилишини муҳокама киладилар.

45. Агар томонлар 2 ой ичида келиша олмасалар у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга ҳақлидир.

### **XI. Курилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш.**

46. Курилиши тугулланган объектни қабул килиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул килиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

47. Объектларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчи Буюртмачига ёзма билдиришнома ва иншоатларни фойдаланишга қабул килиш ишчи гуруҳ далолатномасини беради.

Буюртмачи куриилши тугалланган объектни Давлат қабул комиссияси иштирокида қабул килиб олади.

48. Пудратчи курилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V булимига мувофик Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда 2 (икки) нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиклаши керак.

49. Иншоат Давлат қабул комиссияси томонидан расмий фойдаланишга қабул килинган кейин Буюртмачининг мулкига айланади.

### **XII. Кафолатлар.**

50. Пудратчи:

барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда курилиш меёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

узи томонидан курилиш учун кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиклигини;

ишларни қабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф килишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

51. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар курилиш тугалланган объектни қабул килиб олиш тугрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида 24 ой этиб белгиланади.

52. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улдар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг уз ҳисоби билан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII булимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилиш назорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужалик судига муурожаат қилишини истисно этмайди.

### **XIII. Шартномани бекор қилиш.**

54. Буюртмачи:  
шартнома кучга қиргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ булмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан I ойдан қури вақтга кечиктирилганда;  
ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қунайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жалвалига риоа этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартноми шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб қеладиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

55. Пудратчи:  
ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ булмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тухтатиб қурилганда;  
Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;  
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

56. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қушма қарорига қура тугалланмаган қурилиш бирой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

57. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур булим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

58. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

59. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қурилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

-Пудратчи томонидан ушбу шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда Буюртмачи томонидан шартномани қонунда белгиланган тартибда бекор қилиб, объектни бошқа Пудратчига бериш бўйича тақлиф беради.

### **XIV. Томонларнинг мулкый жавобгарлиги.**

60. Томонлардан бири шартномада мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:  
иккинчи томонга етказилган зарарларни қоилади;

Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Ҳужалик юригувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқый базаси тугрисида» ги Узбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

61. Мазкур шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз мажбуриятларига риоа қилмаганлиги, уз вақтида молиялаштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган хар бир қури учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорига пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

62. Шартномага мувофик бажарилган ишлар хажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тулайди.

63. Пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш буйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи ва шартноманинг 2-иловасига мувофик объектда хар ойда бажарилиши лозим бўлган иш хажмларини бажармаган тақдирда, ишлар қийматининг 5 фоизи миқдорда пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод килмайди.

64. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик булмаса, у холда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун хак тулашдан бош тортиши, шунингдек, Пудратчидан сифати зарур даражада булмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

65. Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томониккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни коплайди.

66. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

#### **XV. Низоларни хал этиш тартиби.**

67. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек, етказилган зарарларни коплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса, улар конун хужжатларида белгиланган тартибда Нукустуманлараро иқтисодий суди томонидан қуриб чиқилади.

#### **XVI. Алоҳида шартлар.**

68. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро қелишувлари уз кучини йукотади.

69. Пудратчи қурилиш объектга ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатсиз бирон-бир учинчи (шахс) томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга булмайди.

70. Буюртмачи ва пудратчи, бош пудратчи ва субпудратчилар, лойиха ташкилотлари ва асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари ва конструкцияларини етказиб берувчилар ўртасидаги муносабатлар воситачи ташкилотлар ва бошқа оралик бугинларнинг иштирокисиз факат шартнома асосида қурилади.

Бунда хам моддий-техника ресурсларини узаро берган холда, хам улар берилмаган холда субпудрат ташкилотлар томонидан ишларнинг бажарилиши битта объект қурилиши доирасида воситасининг иши хамда моддий-техника ресурсларини ташқарига реализация қилиш деб ҳисобланмайди. Бош пудратчининг розилигига асосан тулов амалга оширилади.

71. Субпудратчилар ва етказиб берувчилар (ишлаб чиқарувчилар)ни танлаш бош пудратчи томонидан танлов савдолари натижалари буйича тузилган бош шартнома буйича мажбуриятлар сакланиб қолиниши шарт билан мустақил амалга оширилади.

72. Мазкур шартномага барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

73. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

74. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

75. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

76. Мазкур шартнома томонлар томонидан имзолаганиб ҳудудий газначилик бўлинмаларидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг қучга қиради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

77. Ушбу шартнома 2 ( икки) нусхада тузилди ва бир хил юридик қучга эгадир.

### **XVII. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар**

78. Тарафлар шартнома тузушда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганида сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилинмасликка келишиб оладилар.

79. Тарафларда шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

80. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ, муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинishiга йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатлар амалга ошириши мумқунлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ( ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг ) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар қўради.

81. Тарафлар давлат хизматлари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижровий ўргинлари, мансабдор шахслари ва ходимлари ҳар қандай вақт ва шаклда қуйдаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учунчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди): а) назорат қиливчи ўргинлардан литсензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш қўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликлар эга бўлиши ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга ҳилоф равишда олинмаган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинмаган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантирилиши, ёхуд алмаштирилиши йўли билан унинг келиб чиқиши қонуний тус бериши, бундан пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, қўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг қимга қарашлилигини яширишга; д) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмағирлик қилиш, ундаш.

тазийк ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат ўргинларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

82. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, литсензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга( шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибютерлар, ҳуқуқшунослари, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйдаги ҳаракатлани амалга оширишлари шарт; -коррупциявий ҳаракатлар йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; уларни фақат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш: - уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асосиз равишда ортикча тўловларни амалга оширмаслик.

83. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар тамонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга белгиланган мажбуриятлар бузулганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга таъзийк ўтказилмаслигини кафолайдилар.

84. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши шартларнинг 5.4 ва 5.5- бандларида белгиланган мажбуриятларни бузулишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиш ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўшилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф тамонидан қойдабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалар ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

### **XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:**

#### **БУЮРТМАЧИ:**

Хўжайли Ободонлаштириш  
бошқармаси  
Манзили: Хўжайли тумани, Дустлик  
кучаси р/з уй

**Банк:** МБББ\_ХККМ Ташкент ш.  
Х/Р:23402000300100001010  
МФО:00014 ИНН: 204 616 141

Х/р:401722860352367045203110003  
ОКЭД: ОКОНХ

Хўжайли Тумани Газначилик булимий

Раҳбар:  Т.Таджимуратов



#### **ПУДРАТЧИ:**

**МЧЖ «NUKUS BETON BIZNES»**  
Манзили: Хўжайли тумани,  
пос Кирпич завод ракамсиз уй  
Тел/Факс: +99891-373-92-07  
ИНН: 305 841 739

Банк: Микрокредит банк Хўжайли ш.  
р/с: 20208000100942296001

ОКЭД: МФО: 01106

Раҳбар:  С.С.Разбаев





Хожели району Халык билимлендириу болими "Товар-материаллык запаслар хэм ислерди хызметлерди) сатып алыу бойынша таңлау комиссиясы"ның ен жақсы уынысларды таңлап алыу бойынша откерилген 9 -санлы мәжлис баянламасы

2022-жыл "24" октябрь

Хожели району

Катнасыушылар  
Комиссия баслығы  
Комиссия ағзалары

(Ф.И.Ш)  
А.Тилеуов  
К.Абишов  
У.Избасаров  
О.Абдуллаев  
А.Ешмуратов

(Лауазымы)  
бөлим баслығы  
Бас есапшы  
технадзор  
Қәниге  
кәниге

### КҮН ТӘРТИБИ:

Хожели району Абданластырыу баскармасы - Таңлап алыу комиссиясы баслығы Т.Таджимуратов мәжлисте таңлау комиссиясының 5 ағзасынан 5 адам катнасып атырғанлығын айтып өтип, таңлау комиссиясы мәжлисин ашық деп жариялады.

Таңлау комиссиясы хаткери таңлау комиссиясына төмендеги мағлыұматларды усынды:

Өзбекстан Республикасының 2021-жылдың 22-апрелдеги 684-санлы "Мамлекет сатып алыулар хақында"ғы Нызамының (текстте кейинги орынларда-Нызам) 58-статьясына мууапык ен жақсы усынысларды таңлап алыу откерилиуи хақында арнаулы информация порталында (<http://etender.uzex.uz/>) дағаза таңлап алыу катнасыушыларының қабыл етиу мүддети тамамланыуынан 5 (бес) жумыс күн алдын мамлекетлик буйыртпашы тәрәпинен жеке кабинет аркалы жайластырылган 2022 жыл 13 октябрь күнги 22110012163048-санлы лот бойынша талқылау ушын мамлекетлик сатып алыулар порталына жайластырылган 2022-жыл 20-октябрь күнги 1-баскыш электрон баянламасы бойынша хеш кандай шагым келип туспеди.

Өзбекстан Республикасы "Мамлекетлик сатып алыулар хақында"ғы Нызамы талапларына хэмде жоқары көрсетилген мағлыұматларды есапка алып Таңлау комиссиясы

### ҚАРАР ЕТЕДИ:

1. Текущий ремонт улицы Кырыкыншы МФЙ Бостан кучаси на участке 0-1,2 км Ходжейлийском районе **жорий таъмирлаш** жумысларын эмелге асыруу откерилген таңлап алыуда таңлап алыу хужжетлеринде хэм таңлау шәртлери бойынша ен жақсы шәртлерди усынған хэм таңлап алыу женимпазы деп табылган ООО NUKUS BETON BIZNES 1 006 000 000 сум (ҚҚС пенен бирге) менен шартнама дузилсин.
2. Жеңимпаз мекеме таңлап алыу шәртлери тийкарында шәртнама дүзиуден бас тарткан жағдайда шартнама дүзиу хукуқы кейинги катнасыушы (резерв) етип, " SHOBBOZ TOSH " ЖШЖ белгиленсин. Бунда жеңимпаз катнасыушы усыныс еткен суммасынан аспаған муғдарда шәртнама дүзиу мүмкинлиги белгилеп койылсын.
3. Мекеменин бас есапшысы-К.Абишов таңлау алыу жуумагы бойынша женимпазы менен шартнама хужжетлерин таярлау хэмде шартнама дузилген сон 3 (уш) жумыс куни ишинде арнаулы информация порталына ([www.etender.uzex.uz](http://www.etender.uzex.uz)) жайластырыу тапсырылсын.
4. Таңлау комиссиясы хаткери (Н.Исмайлова), усы таңлап алыу тийисли барлык хужжетлерди белгиленген тартипте сакланыуын тамийнлесин.

### Катнасыушылар

Комиссия баслығы  
Комиссия ағзалары

 А.Тилеуов  
 У.Избасаров  
 К.Абишов  
 О.Абдуллаев  
 А.Ешмуратов

# YURIDIKALÍQ ÁHMIYETKE IYE HÚJJETLERDÍÑ NÍZAM HÚJJETLERINE MUWAPÍQLÍGI HAQQÍÑDA HUQÍQÍY JUWMAQ

GE2061388568

1. Joybardín túri : Shártnama
2. Joybardín ataması: **2-sanlı Pudrat shártnaması**
3. Joybardı islep shıgıwshı hám kirgizilgen sáne haqqındağı maǵlıwmat: Xojeli rayonı Abadanlastırıw basqarması tárepinen 21.10.2022-jılda kirgizilgen.

Joybar ámeldegi nızam hújjetlerine muwapıq islep shıǵılǵan hám onı qabıl etiw maqsetke muwapıq.

**Xojeli rayoni  
Yuridikalıq xızmet  
kórsetiw orayı  
bas yuriskonsultı:**



**G.N.FAXRATDINOVA**

23.10.2022